

PUDRAT SHARTNOMASI

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Хива шаҳар ободонлаштириш бошкармаси» номидан низом асосида иш юритувчи, раҳбари **П.Жанибеков** бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Хива Чинобод Бино Сервис хусусий корхонаси» номидан низом асосида иш юритувчи раҳбари **Х.Худайберганов** иккинчи томондан «Хива шаҳар Калта минор МФЙда пиёдалар йулакчаси ва тунги ёритиш чирокларини» жорий таъмирлаш буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади;
- **ижро хужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;
 - **курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб куйилади;
 - **вактинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;
 - **беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
 - **шартнома нархини булиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари кийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Хива шаҳар Калта минор МФЙда пиёдалар йулакчаси ва тунги ёритиш чирокларини» кузда тутилган лойиха буйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар киймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган ҳолда жорий нархларда **350 000 000 (Уч юз эллик миллион)** сумни ташкил этади:
4. Ишлар киймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:
- курилиш кийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;
 - ишлар киймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
 - объектнинг курилиши бир йилдан ортиқ муддатга узгартирилганда.
5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битам билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
 - курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;
 - курилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар куриш;
 - Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва

манзили тугрисида хабардор килиш;

- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироклари урнатиш;

- курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб - ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

- курилиш майдони курикланишини таъминлаш;

- курилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бюртмачига тақдим қилади.

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини қафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши қафолатланган 20% айланма маблагларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тулик хажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолагандан ва Разначилик булинмасидан руйхатдан утказилгандан кейин юридик кучга қиради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради

15. Объектни 2022 йил «30» декабрь фойдаланишга топширилиши белгиланади.

VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ - КИТОБЛАР

16. Шартнома буйича узаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% микдорида аванс уткази, бу **105 000 000 (бир юз беш миллион)** сумни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблаглар уч банк иш кунинда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин хақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган холда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширади.

20. Пудратчининг хисоб рақамига тушадиган маблаглар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект курилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошка харажатларига қатъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охириги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги

маълумотнома хисоб-варак-факгурани» узи тузиб тақдим килади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини - техник аудитори тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи техник аудитори ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаसा, Пудратчи уларни тузатишнинг қечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эта булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан қикиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридан уз фикрини баён қилади:

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Томонларнинг жавобгарлиги

31. Тарафлар мазкур шартномани расмийлаштиришда Ўзбекистан Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонуни доираси иш қурадилар.

X. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН ҚУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҚОЛАТЛАРИ.

32. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага қелтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

33. Агар енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қуп вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни қонсервация қилиш учун қандай қоралар қурилишини муҳоқама қиладилар.

34. Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚАҒОЛАТЛАР.

35. Пудратчи:-барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда

бажарилишини;- лойиха хужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиклигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини қафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

36. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қуйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қуйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. Томонларнинг коррупсияга қарши курашиш буйича мажбуриятлари

42. Шартнома буйича уз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупсияга қарши курашиш буйича коидаларга, шу жумладан амалдаги конунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштйроқидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш буйича чора-тадбирлар қабул қилинишини қафолатлайди.

43. Томонлар коррупсияга қарши коидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ун) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки уз фикрини билдириши мумкин.

44. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тухтатиб қуйиши мумкин

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

45. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қелишувга эришмасалар, у ҳолда улар конун хужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

46. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йўқотади.

47. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
48. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.
49. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
50. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.
51. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига Қ.Қ.С. тугрисида узгартиришлар киритилса қайта куриб чиқилади.
52. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.
53. Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Газначилиқдан рўйхатдан туггандан кейин юридик қучга қиради ва бу шартнома 31.12.2022 йилгача амал қилади.
54. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлиб 3 нусхада тузилди.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ:

Хива Чинобод Бино Сервис Х/К

Манзили: Хива туман Чинобод кишлоғи

Тел/факс : _____

х/в : 20208000104784704001

Банк номи : Ҳамкорбанк Урганч бўлими

МФО : 01020 СТИР :301179314

ОКОНХ : 42210



Раҳбар: Худайбергенов _____

БУЮРТМАЧИ:

Хива ш Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил: Хива ш элобод куча 40-уй

Тел/факс __99-376-72-70_____

х/в: 100022860334067065100110015

бюджетдан маблағ олувчи СТИР и 305111507

ОКОНХ_90290_____

Газначилиқ бўл номи: **Молния Вазирлиги Газначилиғи**

Ғазна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий Банк Тошкент

МФО 00014

Газначилиқ бўлими СТИР и 201122919

Раҳбар: _____ П.Жанибеков _____



	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	PARXAD JANIBEKOV LATIPOVICH
	Imzolangan sana	17.11.2022 17:12
	Hujjat kodi	WL60631128
	Hulosa kodi	ZF4072568783

Хива шаҳар Калта минор МФЙда пиёдалар йулакчаси ва тунги ёритиш чирокларини жорий таъмирлаш бўйича ойлар давомида ишларни бажариш графиги

(МИЛЛ. СУМ)

Т/р	Объект номи ва манзили	Хажм бирлигининг киймати	2022 йил учун ишларни бажариш киймати												
			1-чорақ			2-чорақ			3-чорақ			4-чорақ			
			январ	феврал	март	апрел	май	июнь	июль	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	11	12	13	14	15	16	
1	Хива шаҳар Калта минор МФЙда пиёдалар йулакчаси ва тунги ёритиш чирокларини жорий таъмирлаш	350 000 000													350 000 000



М.У

Буюртмачи:



Пудратчи:

Хива шаҳар Калта минор МФЙда пиёдалар йулакчаси ва тунги ёритиш чирокларини куриш буйича ойлар давомида
молиялаштириш графиги

(МИНГ.СУМ)

Т/р	Объект номи ва манзили	Хажми бирлигининг киймати	2022 йил учун молиялаштириш киймати											
			1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
			январ	феврал	март	апрел	май	июнь	июль	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	Хива шаҳар Калта минор МФЙда пиёдалар йулакчаси ва тунги ёритиш чирокларини жорий таъмирлаш	350 000 000												350 000 000



М.У



Пудратчи:

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 173115 на приобретение Калта минор махалласи пиёдалар йўлакчаси ва тунги ёритиш чирокларина жорий таъмирлаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 14.11.2022

Время рассмотрения 14.11.2022 13:01

Закупочная комиссия Хива шаҳар Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	JANIBEKOV PARXAD LATIPOVICH	рахбар	Хива шаҳар ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	RUZMETOV MADAMIN UKTAMOVICH	texnadzor	Хива шаҳар ободонлаштириш бошкармаси
Секретарь комиссии	XUDAYNAZAROV ABDULA ATABAYEVICH	омбор мудири	Хива шаҳар ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	ISKANDAROV EGAMBERGAN MATYAQUBOVICH	механик	Хива шаҳар ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	RUZMETOV SARDORBЕК BOLTABAYEVICH	инженер	хиқва ш ободонлаштириш
Член комиссии	BALTAYEV NIZOMADDIN KAMOLADDIN O'G'LI	хисобчи	Хива шаҳар ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.11.2022 года № лота 173115.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по содержанию и текущему ремонту уличного освещения
Подробное описание	Услуги по содержанию и текущему ремонту уличного освещения
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	381 194 541.00
Стартовая сумма	381 194 541.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 инсофсиз ижрочиар руйхатида мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: инсофсиз ижрочиар руйхатида мавжуд эмаслиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП ХИВА CHINOBOD BINO SERVIS	10	Такдим килинди	10	Экспертная		
ООО ХИВА BUYUK QURILISH INVEST	10	1	10	Экспертная		
БЕХРУЗБЕК QURILISH INVEST МСНҲ	10	файл юкланди	10	Экспертная		

Критерий №2 ишчи ходимлари мутахассислиги ва иш тажрибаси тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: ишчи ходимлари мутахассислиги ва иш тажрибаси тўғрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП ХИВА CHINOBOD BINO SERVIS	10	Такдим килинди	10	Экспертная		
ООО ХИВА BUYUK QURILISH INVEST	10	10	8	Экспертная		
БЕХРУЗБЕК QURILISH INVEST МСНҲ	10	10	6	Экспертная		

Критерий №3 курувчилар рейтингида мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: курувчилар рейтингида мавжудлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП ХИВА CHINOBOD BINO SERVIS	10	Такдим килинди	10	Экспертная		
ООО ХИВА BUYUK QURILISH INVEST	10	9	10	Экспертная		
БЕХРУЗБЕК QURILISH INVEST МСНҲ	10	10	10	Экспертная		

Критерий №4 молиявий курсаткичлар туўрисидаги маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: молиявий курсаткичлар туўрисидаги маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП XIVA CHINOBOD BINO SERVIS	10	Такдим килинди	10	Экспертная		
ООО XIVA BUYUK QURILISH INVEST	10	8	10	Экспертная		
БЕХРУЗБЕК QURILISH INVEST МСНҲ	10	10	7	Экспертная		

Критерий №5 корхона балансида мавжуд булган машина ва механизмлар хакида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: корхона балансида мавжуд булган машина ва механизмлар хакида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП XIVA CHINOBOD BINO SERVIS	10	Такдим килинди	10	Экспертная		
ООО XIVA BUYUK QURILISH INVEST	10	7	7	Экспертная		
БЕХРУЗБЕК QURILISH INVEST МСНҲ	10	10	3	Экспертная		

Критерий №6 курилиш майдонини курганлик хакида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: курилиш майдонини курганлик хакида маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП XIVA CHINOBOD BINO SERVIS	10	Такдим килинди	10	Экспертная		
ООО XIVA BUYUK QURILISH INVEST	10	6	10	Экспертная		
БЕХРУЗБЕК QURILISH INVEST МСНҲ	10	Курилиш майдони куздан кечирилди	0	Экспертная		

Критерий №7 оферент тугрисида умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: оферент тугрисида умумий маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП XIVA CHINOBOD BINO SERVIS	10	Такдим	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		килинди				
ООО XIVA BUYUK QURILISH INVEST	10	5	10	Экспертная		
БЕХРУЗБЕК QURILISH INVEST МСНҲ	10	10	10	Экспертная		

Критерий №8 солик ва йигимлардан карздорлик мавжуд эмаслиги хақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: солик ва йигимлардан карздорлик мавжуд эмаслиги хақида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП XIVA CHINOBOD BINO SERVIS	10	Такдим килинди	10	Экспертная		
ООО XIVA BUYUK QURILISH INVEST	10	4	9	Экспертная		
БЕХРУЗБЕК QURILISH INVEST МСНҲ	10	10	10	Экспертная		

Критерий №9 охирги йилда бажарган ишлар хақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: охирги йилда бажарган ишлар хақида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП XIVA CHINOBOD BINO SERVIS	10	Такдим килинди	10	Экспертная		
ООО XIVA BUYUK QURILISH INVEST	10	3	10	Экспертная		
БЕХРУЗБЕК QURILISH INVEST МСНҲ	10	1	5	Экспертная		

Критерий №10 халқаро ва илмий қурилиш сертификатлари мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: халқаро ва илмий қурилиш сертификатлари мавжудлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП XIVA CHINOBOD BINO SERVIS	10	Такдим килинди	10	Экспертная		
ООО XIVA BUYUK	10	2	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QURILISH INVEST						
BEXRUZBEK QURILISH INVEST MCHJ	10	1	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ЧП XIVA CHINOBOD BINO SERVIS	381 194 541.00	350 000 000.00 UZS	350 000 000.00	00.00	350 000 000.00	04.11.2022 13:13:22	20
BEXRUZBEK QURILISH INVEST MCHJ	381 194 541.00	380 000 000.00 UZS	380 000 000.00	00.00	380 000 000.00	04.11.2022 20:10:23	18.42105
ООО XIVA BUYUK QURILISH INVEST	381 194 541.00	354 251 000.00 UZS	354 251 000.00	00.00	354 251 000.00	04.11.2022 20:05:53	19.76

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ЧП XIVA CHINOBOD BINO SERVIS	80	20	100
BEXRUZBEK QURILISH INVEST MCHJ	52.8	18.42105	71.22105
ООО XIVA BUYUK QURILISH INVEST	75.2	19.76	94.96

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 173115 от 14.11.2022 года на приобретение Калта минор махалласи пиёдалар йўлакчаси ва тунги ёритиш чирокларина жорий таъмирлаш ишлари определила победителем:

ЧП XIVA CHINOBOD BINO SERVIS
301179314

и резервный исполнитель: ООО XIVA BUYUK QURILISH INVEST (302800688)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	JANIBEKOV PARXAD LATIPOVICH	Согласен	
Член комиссии	RUZMETOV SARDORBЕК BOLTABAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	RUZMETOV MADAMIN UKTAMOVICH	Согласен	
Член комиссии	BALTAYEV NIZOMADDIN KAMOLADDIN O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

ZF4072568783

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: "XIVA SHAHAR OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI" DAVLAT MUASSASASI tomonidan 17.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xiva shahar yuridik
markazi
markaz rahbari:**



D.B.RAZZAKOV

17.11.2022